

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯКУБОВ ҚОДИРЖОН ХУСАНБОЕВИЧ

**ТАРКИБИДА ЦЕЛЛЮЛОЗА ТУТГАН, МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ЁНГИНДАН ХАВФЛИЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Якубов Қодиржон Хусанбоевич

Таркибида целлюлоза тутган, маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган
курилиш материалларини ёнғиндан хавфлиликни
камайтириш..... 3

Якубов Қодиржон Хусанбоевич

Снижение пожарной опасности, целлюлоза содержащих строительных
материалов на основе местного сырья22

Yakubov Kodirjon Xusanboevich

Fire hazard reduction of the cellulose building materials based on local raw
materials.....40

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЯКУБОВ ҚОДИРЖОН ХУСАНБОЕВИЧ

**ТАРКИБИДА ЦЕЛЛЮЛОЗА ТУТГАН, МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ЁНГИНДАН ХАВФЛИЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1249 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akademiya.fvv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Курбанбаев Шухрат Эргашевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Нуркулов Файзулла Нурмунинович**
техника фанлари доктори, доцент

Касимов Тўрабек Касимович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2022 йил соат «___» да бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57, E-mail:info@akademiya.fvv.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100102, Тошкент ш., Янгиҳаёт, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Телефон: (71) 258-35-33 E-mail:info@akademiya.fvv.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кuni тарқатилган.
(2022 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.М.Дусматов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, к.ф.н.доцент

Р.И.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда охириги йилларда табиий ва техноген тусдаги юзага келаётган ёнғин ва фавқулодда ҳолатлар каби офатлар йилдан йилга ортиб бормоқда.¹ Бутун дунё статистика маркази (СТИФ)нинг маълумотларига кўра жаҳонда соатига ўртача 1000 та, бир дақиқада эса 17 та ёнғин содир бўлади. Ёнғинлар оқибатида бир соатда ўртача 10 нафар инсон ҳалок бўлаётган бўлса, ҳар 100 та ёнғинда 1 киши кўз юммоқда². Шу сабабли, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг илмий-техник ечимларини топиш мақсадида кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади. Ёнувчан қурилиш конструкциялари, материаллари, пардозбоп ва қоплама материалларини ёнғиндан сақлаш ҳамда оловга бардошлилигини ошириш мақсадида, оловдан ҳимояловчи турли воситаларидан фойдаланиш, мазкур материалларга оловбардош қўшимчалар билан ишлов бериш орқали қийин ёнувчи ёғоч ва целлюлоза асосидаги қийин ёнувчи оловбардош қурилиш материалларини олиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ёғоч ва целлюлоза асосида иссиқликка ҳамда оловга чидамли хусусиятларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шунингдек, ишлатиладиган материалларнинг экологик тозаллиги, энергиятежамкорлиги, сифати ва мустаҳкамлигини яхшилашга, бино ва иншоотларининг оловга бардошлилигини оширишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, фойдаланиладиган оловдан ҳимояловчи материалларга шимдириш ва қуйиш аралашмалари сифатида ишлатиладиган силикат композицияларига асосланган антипиренларни танлаш, керакли даражада физикавий, механик, термик ва бошқа хусусиятларидан ташқари, ёнувчанлик хусусиятлари кичик кўрсаткичларга эга бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ёғоч ва целлюлоза асосидаги қийин ёнувчи қурилиш материалларнинг ишлаб чиқиш учун қўшимчаларни тўғри танлаш, уларнинг оловга бардошлилигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда барпо этилаётган бино ва иншоотлар қуриш учун фойдаланилаётган қурилиш конструкциялари ва материалларининг ёнғиндан ҳимоялаш учун, оловдан ҳимоялаш воситалари ва бошқа мазкур вазифаларни бажариш мақсадида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан маҳаллий хомашёлар асосида олинаётган ёғоч асосли қурилиш материалларини оловдан ҳимоялаш ва уларнинг ёнғин-техник кўрсаткичларини ҳар томонлама (комплекс) ўрганиш бўйича янги таркибларни олиш ва уларнинг хоссаларини ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5706-сон Фармони, 2019 йил

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

² <https://ctif.org/world-fire-statistics>

10 прелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4276–сон, 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш тўғрисида” ги ПҚ–4198–сон, 2019 йил 23 май кунидаги ПҚ–4335–сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора–тадбирлари тўғрисида” ги шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кунидаги 649–сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда сўнгги йилларда целлюлоза таркибли қурилиш материалларни яратишда бир қатор олимлар томонидан мазкур қурилиш материалларни олиш ва уларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда технологиясининг асослари ишлаб чиқилган. Таркибида целлюлоза тугган ёғоч таркибли қурилиш материалларининг оловга бардошлилигини ошириш технологиялари ва уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар Henri Bailleres. (Мексика), Bengt Ostman (Финландия), Sven Thelandersson (Швеция), Anne E Imamura (Япония), шунингдек Россия Федерацияси олимларидан - М.И.Сергеев, А.Н.Коротков, И.Н.Пугачева, А.Е.Третьякова, Б.В.Копытовский, С.Г.Веденкин, А.И.Фоломин, С.Н.Таубкин, А.А.Лионович, А.А.Берлин, М.Н.Плунгянская, Ю.М.Иванов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда оловбардош қурилиш материалларини олиш ва уларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар А.Т.Джалилов, С.С.Нигматов, М.М.Содиқов, Ф.Х.Султонов, Ф.А.Магруппов, Н.А.Самигов, А.А.Саримсаков, Б.Т.Ибрагимов, Б.А.Мухамедғалиев, Ф.Н.Нурқулов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ёғоч асосидаги қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловдан ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш йўналишида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган бўлсада, аммо маҳаллий хомашёлар асосида олинаётган ёғоч асосли қурилиш материалларини оловдан ҳимоялаш ва уларнинг ёнғин–техник кўрсаткичларини ҳар томонлама (комплекс) ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг илмий–тадқиқот ишлари режаси ҳамда БВ–Атех–2018 “Маҳаллий минерал хомашёлар асосида қийин ёнувчан

иссиқдан сақловчи таркиблар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий хомашёлар асосида янги таркибли, ёнғинга хавфсиз целлюлоза асосли қурилиш материалларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш орқали бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хил маҳаллий ёғоч намуналарининг майданланган ҳар хил ўлчамлардаги фракцияларига юқори дисперсли минераллар заррачалари билан ишлов беришнинг оптимал шароитларини аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқиш;

ҳар хил ўлчамларда майдаланган турли хил ёғоч материалларининг термик хоссаларига юқори дисперсли ноорганик минералларнинг таъсирини ўрганиш орқали ёғоч материаллари заррачаларининг термик бардошлилигини ошириш;

маҳаллий минерал хомашёлар билан ишлов берилган целлюлоза асосли материаллар ва полимер боғловчи асосида плиткали қурилиш материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва физик–кимёвий ҳамда физик–механик хусусиятларини тадқиқ этиш;

янги таркибли плиткали қурилиш материалларининг ёнувчанлиги, кислород индекси, тутун ҳосил қилиш коэффиценти ва юза бўйлаб оловнинг тарқалиш каби хоссаларини тадқиқ этиш орқали янги таркибли оловбардош плиткали материалларни ишлаб чиқиш;

янги олинган плиткали қурилиш материаллари асосий компонентларининг янги композит таркибнинг структураси, физик–механик ва термик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ёнғинга хавфсиз целлюлоза асосли плиткали материалларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хомашёлар кремний (IV) оксидининг турли хосилалари, юқори дисперсли волластонит минерали, микроцеллюлоза ва ёғоч таркибли материаллар ҳамда улар асосидаги қурилиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети целлюлоза асосли материалларнинг термик хоссаларига кремний (IV) оксиди ва волластонит минераллари юқори дисперсли заррачаларининг таъсир механизмларини ўрганиш, янги ёғоч таркибли қийин ёнувчан плиткали қурилиш материалларини олиш ва уларнинг ёнғин–техник кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида янги оловбардош ёғоч таркибли қурилиш материалларининг асосий хоссаларини тадқиқ қилишда физик–кимёвий ва физик–механик хусусиятларини ўрганиш усуллари, электрон микроскопик, дифференциал–термик анализ усули, ёнғин–техник ва термик хоссаларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

майдаланган маҳаллий ёғоч материаллари, микрокристаллик целлюлоза, кремний (IV) оксиди ва волластонит минералларининг юқори дисперсли заррачалари асосида ёнғинга хавфсиз қурилиш материалларининг янги таркиблари ишлаб чиқилган;

юқори дисперсли минерал заррачаларининг турли хил ёғочларнинг термик хоссаларига таъсири қилишини ўрганиш орқали ёғоч асосли қурилиш материалларининг оловбардошлик хоссаларини яхшилаш механизмлари ишлаб чиқилган;

кремний (IV) оксиди, волластонит минерали, микрокристаллик целлюлоза ва ёғоч кипиқлари асосида янги таркибли ёғоч композит материалларнинг физик–механик хоссалари ва оловбардошлилик чегараси оширилган;

маҳаллий ёғоч материаллари ва юқори дисперсли минерал заррачалар асосида ёнғинга хавфсиз ёғоч таркибли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Таркибида целлюлоза тутган қурилиш материалларининг оловга бардошлилик чегарасини ошириш учун фойдаланиладиган маҳаллий хомашёлар асосидаги таркибларнинг оптимал турлари ишлаб чиқилган;

кремний IV оксиди, кремний (IV) оксидининг нанозаррчаси, юқори дисперсли волластонит минераллари билан целлюлоза таркибли қурилиш материалларини олиш технологияси такомиллаштирилган;

олинган оловбардош целлюлоза таркибли қурилиш материалларини Ўз РСТ 30402 талабларига асосан кучли алангаланиш (А3) гуруҳидан мўтадил аланганланиш (А2) гуруҳига ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида олинган плиткали қурилиш материаллари синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – юқори самарадор, янги таркиблар кремний (IV) оксиди, юқори дисперсли волластонит минераллари билан таркибида целлюлоза тутган қурилиш материалларининг физик кимёвий ва механик хоссалари тадқиқ этилганлиги шунингдек, олинган ижобий натижалар оловбардош қурилиш материалларнинг назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосидаги қурилиш материалларини ишлов бериш технологияси яратилганлиги, шунингдек биноларда содир бўлган ёнғинлар ривожланиши ва хуфя тарқалишига йўл қўймаслик, ёнғиннинг дастлабки босқичини чеклашга асосий омил сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида целлюлоза тутган, маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган қурилиш материалларини ёнғиндан хавфлиликни камайтириш бўйича олинган натижалар асосида:

олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материаллари “O‘zsanoatqurilishmateriallari” Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналарига ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O‘zsanoatqurilishmateriallari” Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 05/15-2346–сон маълумотномаси). Натижада олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материалларини тутун ҳосил қилиш коэффицентини 13% гача ва критик ҳарорат қиймати 11-13 дақиқагача камайишига эришилган;

олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материаллари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган “SURXON KSP GRAND” МЧЖга ишлаб чиқариш учун жорий этилган (“SURXON KSP GRAND” МЧЖнинг 2021 йил 22 июлдаги далолатномаси). Натижада олинган иссиқдан ҳимояловчи оловбардош ёғоч қипиқли плиталардан намуналар олиниб уларнинг ёнғин-техник ва физик-механик кўрсаткичлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррачалари билан ишлов берилиб, олинган қийин ёнувчи оловбардош ёғоч қипиқли плиталарнинг ёнувчанлик гуруҳи кучли алангаланиш гуруҳидани мўътадил алангаланиш гуруҳига ўтказилгани илмий асосланган;

олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материаллари Фарғона шаҳрида жойлашган “TO PRODUCE AND SELL CONSTRUCTION MATERIALS” МЧЖга ишлаб чиқариш учун жорий этилган (“TO PRODUCE AND SELL CONSTRUCTION MATERIALS” МЧЖнинг 2021 йил 6 июндаги далолатномаси). Натижада олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материалларининг ёнувчанлик гуруҳи (Ё3) гуруҳидан мўътадил (Ё2) гуруҳига ўтказилишига эришилган. Шунингдек, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррачаларини қўлланилиши орқали йиллик ўртача иқтисодий самарадорлик 1 045 440 000 (бир миллиард қирқ беш миллион тўрт юз қирқ минг) сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан, нуфузли хорижий журналларда 2 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақолалар, 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманлар тўпламларида чоп этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таркибида целлюлоза тутган қурилиш материалларининг ёнғиндан хавфлилигини камайтириш бўйича тадқиқотлар”** номли биринчи бобда Республикамизда ёғоч асосидаги қурилиш материалларини импорт ва экспорт қилиш бўйича сўнгги беш йиллик таҳлиллари, ёғоч асосидаги қурилиш материалларини оловдан ҳимоялашнинг замонавий ҳолати ва меъёрий асослари атрофлича таҳлил қилинган. Ёғоч асосидаги қурилиш материалларининг очиқ ва ёпиқ ёнғинларда юқори иссиқлик ва олов таъсирига дош бера олмаслиги ва умуман таркибида целлюлоза тутган қурилиш материалларининг асосий ёнғин-техник таснифлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигини таъминловчи воситаларни ишлаб чиқиш бўйича, хусусан ёғоч асосидаги қурилиш материалларини оловга бардошлилик чегарасини ошириш, оловдан ҳимояловчи қавариқланувчи қопламаларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва муаммолари ва уларнинг илмий ечимлари ва такомиллаштириш борасидаги илмий-техник адабиётлар таҳлил қилинган.


Тадқиқот ишида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган методлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Ҳозирги кунда республикамизда содир бўлаётган ёнғинлар ўртача йилга 11000 тадан тўғри келиб йилдан йилга камайиш тенденцияси кузатилаётганлиги, 2021 йил мисолида содир бўлган ёнғинларда ҳалок бўлган инсонлар сони 124 тани ташкил этганлиги, инсонларнинг тан жароҳатини олиш ҳолатлари 259 тани ташкил этиб, мазкур ёнғинларнинг таҳминан 76% аҳоли яшаш секторларига тўғри келаётганлиги, 80% ҳолатларда инсонларнинг тутундан заҳарланиб ҳалок бўлиш ҳолатлари ўрганилган. Ушбу муаммоларнинг конструктив ечимини топиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурияти борлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Таркибида целлюлоза тутган қурилиш материалларининг термик хоссаларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобда кремний (IV) оксидининг нанозаррчаси, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган ва модификацияланмаган шакллари шунингдек юқори дисперсли волластонит минераллари билан ишлов бериб олинган маҳаллий ёғоч қипиқлари асосида оловбардош плиткали материаллари намуналари лаборатория шароитида олиниб уларнинг термик хоссалари ўрганилди. Бунда дастлаб танлаб олинган ёғоч намуналари майдаланиб ва фракцияларга ажратилди (1–жадвал).

Ёғоч намуналарининг дисперс фракциялари

Намуналар номи	0,125мм дан 0,63 мм гача	0,63мм дан 0,315 мм гача	0,315мм дан 0,14 мм гача	Умумий оғирлиги (гр)
Ёнғоқ	90	140	60	290
	31 %	42 %	27 %	100 %
Ѓўзапоя	87	143	69	299
	32 %	44 %	24 %	100 %
Тут	91	129	72	292
	37 %	33 %	30 %	100 %
Тол	96	135	77	308
	29 %	38 %	33 %	100 %
Терак	92	131	67	290
	29 %	38 %	33 %	100 %
Қамиш	89	127	69	285
	32 %	44 %	24 %	100 %
Ўрик	86	144	95	325
	34 %	39 %	27 %	100 %
Қарағай	96	132	91	319
	28%	43 %	29 %	100 %

Фракцияларга ажратиб олинган ишлов берилмаган ёғоч намуналарининг термик таҳлилларини амалга ошириш учун дифференциал термик ва термогравиметрик усуллардан фойдаланилди. Тажрибалар DTG–60 лаборатория қурилмасида бажарилди. Ҳар хил турдаги майдалаб олинган (ёнғоқ, ғўзапоя, тут, тол, қамиш, чинор ва қарағайлар) ёғоч қипиқларининг ишлов берилмаган намуналари турли фракцияларининг термик хоссалари синовлар орқали ўрганиб чиқилди. Ўтказилган термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлилларининг тажриба синов натижалари қуйида келтирилган (1-расм).



1-расм. Ишлов берилмаган қарағай, қамиш, ғўзапоя, чинор ва ёнғоқ дараклари қипиқларида ўтказилган тажрибаларнинг термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлиллари

Ушбу графикдаги кўк чизикда иссиқлик таъсирида намунанинг оғирлиги ўзгариши термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлил натижалари

келтирилган. Тажриба 3 та даврни ўз ичига олган. Биринчи давр яъни, тадқиқ қилинаётган намунани қуритиш даври 23,17–дақиқа (36,48 °С) да бошланиб, 26,23–дақиқа (258,41 °С) да якунланди. Бу даврда тадқиқ қилинаётган намуна 0,145 мг (12,126%) оғирлигини йўқотди. Иккинчи давр яъни, тадқиқ қилинаётган намунанинг парчаланиш даври 26,23–дақиқа (256,41 °С) да бошланди ва 28,31–дақиқа (301,24 °С) да якунланди. Бу даврда тадқиқ қилинаётган намуна 0,423 мг (17,211%) оғирлигини йўқотди. Учинчи давр яъни, якунловчи давр 28,31–дақиқа (301,24 °С) да бошланди ва 33,41–дақиқа (502,41 °С) да якунланди. Бу даврда тадқиқ қилинаётган намуна 0,668 мг (46,17%) оғирлигини йўқотди. Навбатдаги босқич тажрибаларда турли хил ёғоч намуналарига кремний (IV) оксидининг нанозаррачаси, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган ва модификацияланмаган шакллари ҳамда юқори дисперсли волластонит минераллари билан ишлов берилди (2–7 расмлар).



2-расм. Ишлов берилмаган қарағай ёғочи қипиғи



3-расм. Ишлов берилган қарағай ёғочи қипиғи

Қарағай қипиғидан олинган намуна



4-расм. Ишлов берилмаган қамиш пояси қипиғи



5-расм. Ишлов берилган қамиш пояси қипиғим

Қамиш қипиғидан олинган намуна



6-расм. Ишлов берилмаган ғўзапоя қипиғи



7-расм. Ишлов берилган ғўзапоя қипиғи

Ғўзапоя қипиғидан олинган намуна

Ишлов берилган маҳаллий ёғоч қипиқлари асосида плиткали материаллари намуналари олинди ва лаборатория шароитида уларнинг термик хоссалари ўрганилди. Дастлаб ёғоч қипиқларига ишлов бериш жараёни амалга оширилди. Бир хил ҳажмдаги учта стандарт идишлар олинди. Ҳажми 300 граммга тенг бўлган 3 та идиш олинди ҳамда барча идишлар ишчи суюқликлар билан тенг ҳажмда тўлдирилди. Биринчи идишга (қарағай) таркиби 1,0% SiO₂ ва 94,9% сувдан ташкил топган суспензия, иккинчи идишга (ғўзапоя) таркиби 3,0% SiO₂ ва 94,9% сувдан ташкил топган суспензия, учинчи идишга (қамиш) таркиби 5,0% SiO₂ ва 94,9% сувдан ташкил топган суспензиялар тайёрлаб олинди. Олинган намуналарни 30 дақиқа давомида ультратовуш таъсир эттирилади ва 50–55°С ҳароратда қуритиб олинди. Бунда дастлаб танлаб олинган турли хил ёғоч намуналари 0,315–0,14 мм гача бўлган ўлчамдаги фракцияларининг термик синовлари натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (2–жадвал). Фракцияларга ажратиб олиниб ишлов берилган ёғоч намуналарининг термик таҳлилларини амалга ошириш учун дифференциал термик ва термогравиметрик усулларида кенг ва самарали фойдаланилди.

Тажрибалар DTG–60 лаборатория қурилмасида бажарилди. Юқорида ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни ташкил этди. Танлаб олинган дарахт ёғоч намуналари 3 хил фракцияларида ўтказилган тадқиқот бўйича ўртача кўрсаткичларининг умумий оғирлигидан 1,626 мг (80,98%) гача масса йўқотиши аниқланди.


2–жадвал

Қарағай дарахти қипиғида ўтказилган тажрибанинг термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлил натижалари

Намуналар номи	0,125мм дан 0,63 мм гача 1-давр	0,63мм дан 0,315 мм гача 2-давр	0,315мм дан 0,14 мм гача 3-давр	Умумий оғирлик йўқотиш
қарағай 1-намуна	211,29 °С 8,114%	401,16 °С 15,149%	592,26 °С 58,11%	82,46%
қарағай 2-намуна	241,37 °С 12,23%	378,48 °С 25,19%	592,48 °С 45,29%	74,21%
қарағай 3-намуна	258,41 °С 12,126%	301,24 °С 17,211%	502,41 °С 46,17%	86,28%

Қуйида турли хил ёғоч намуналарида ўтказилган термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлиллари синов тажриба натижалари қуйида келтирилган (8–расм).

Ўтказилган тадқиқот натижасида мазкур ғўзапоя, қамиш ва қарағай дарахти қипиқларининг кўрсаткичлари ёнғоқ, тут, тол ва чинор дарахти қипиқларининг кўрсаткичларига қараганда энг кам оғирлигини йўқотган (иссиқлик таъсирига чидамли) кўрсаткичлари чинор, тут ва қарағай намуналари қолган намуналарга қараганда юқори эканлиги маълум бўлди.



8-расм. Ишлов берилган ё-оч намуналари қипиқларида ўтказилган тажрибаларнинг термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлиллари

Диссертациянинг «Янги таркибли целлюлоза тутган қурилиш материалларининг ёнғин-техник хоссаларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида, тадқиқот ишида қўлланилган материаллар, намуналарни тайёрлаш усуллари, ҳар хил ёғоч турлари асосидаги қурилиш материалларининг ёнувчанлик хусусиятлари, оловбардошлилик, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффициенти ва уларни аниқлаш усуллари ҳамда уларни ҳисоблашлар бўйича олинган натижалар ёритилган. Шунингдек горизонтал ҳолатдаги намуна бўйлаб олов тарқалиш тезлигини аниқлаш усулларида унумли фойдаланилган.

Ёғоч асосида олинган плиткали материаллар намуналарига очиқ олов 30 сония давомида таъсир этилди. Сўнгра горелкага олиниб мустақил ёниш вақти ҳисоблаб чиқилишига ҳам эришилди. Термик таъсир бериш жараёни тўхтатилгандан сўнг, янги таркибли намунада алангани ўчириб қолиш хусусияти юқори эканлиги илмий жиҳатдан исботланди. Ўтказилган тадқиқотда таркибида целлюлоза тутган ёғоч (тут, тол, ёнғоқ, чинор, қамиш, ғўзапоя ва қарағай) микрокристаллик целлюлозалар асосида олинган плиткали қурилиш материаллари намуналарининг ёнувчанлигини аниқлаш бўйича кетма-кет тажриба синовлар ишлари ўтказилиш эвазига қўйидаги самарали намуналар олинди (3-жадвал).

Янги олинган ёғоч қипиқли плиталарнинг ГОСТ 21207–81 бўйича ёнувчанлигини тадқиқоти кремний (IV) оксидининг нанозаррчаси, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган, модификацияланмаган, ҳамда юқори дисперсли волластонит минерал кукунининг киритилиши эса ёниш вақтининг қисқаришига олиб келди (3-жадвал).

Кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррачалари билан ишлов бериб олинган ёғоч қипиқлари асосида олинган плиталарнинг ёнувчанлигини ҳамда кислород индекси кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган синовлар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

3–жадвал

Янги олинган плиткали қурилиш материаллари намуналарининг
ёнувчанлигини синаш натижалари


№	Намуналар	Намунанинг массаси, г			Таркибнинг сарфи	Намунанинг масса йўқотиши		Ўртача намунанинг масса йўқотиши	
		ишлов берил-гунгача	ёнди-ришдан олдин	ёнгандан кейин	ишлов бериш учун тайёрланган таркиб, кг/м ² (кг/м ³)	г	%	г	%
	Назорат намунаси	92,7	-	52,3	-	55,4	14,5	-	-
1.	тут	94,5	93,1	65,9	15,2	64,6	22,1	60,8	19,1
2.	тол	95,7	93,9	68,6	15,3	63,3	21,6		
3.	қарағай	89,2	91,6	76,3	15,6	54,6	13,8		
4.	қамиш	90,1	92,1	73,9	15,2	55,2	14,1		
5.	чинор	93,4	93,9	64,6	15,3	63,7	22,6		
6.	ғўзапоя	91,1	92,9	71,3	15,6	56,6	15,8		
7.	ёнғоқ	96,2	94,9	61,3	15,6	62,6	23,6		

4–жадвал

Кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррачалари билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари асосида олинган плиткали материаллар синов натижалари

Т/р	Намуналар	Ёниш вақти, сония	Ёндириш харорати, °С	Кислородли индекс, %
1.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + қарағай	121	611	28,3
2.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + қамиш	113	654	24,1
3.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + тут	98	653	19,7
4.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + тол	91	662	21,7
5.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + ёнғоқ	87	704	22,5
6.	юқори дисперсли кремний (IV) оксиди + ғўзапоя	115	623	23,1

Ёниш вақтида ҳимоя қилинаётган ёғоч қипиқли плиталарнинг юзасида қатлам пайдо бўлиб, кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррчаси ёниш зонасига ташқи ҳудуддан кислород диффузиясини ҳамда дистрикциянинг учувчан маҳсулотларини ушлаб қоладиган жисмоний тўсиқни яратиши аниқланди. Қийин ёнувчи ва ёнувчи қаттиқ мода ва материаллар гуруҳини тажриба усулида аниқлаш усули ГОСТ 12.1.044–2018. Ушбу усул таркибида 3 % дан ортиқ органик моддалар мавжуд бўлган нометалл материалларнинг ёнувчанлигини баҳолаш учун қўлланилди. Олинган намуналарнинг қийин ёнувчан ва ёнувчан гуруҳлари аниқланди. Ўтказилган тажрибаларнинг синов натижалари қуйида келтирилган (9–расм).



9-расм. Қарағай асосидаги (ЁҚП)нинг ўртача масса йўқотиш кўрсаткичлари

Ёниш вақтида химоя қилинаётган плиткали материалнинг юзасида қатлам пайдо бўлиб, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди билан ёниш зонасига ташқи худуддан кислород киришини чеклаб ёнишни секинлаштириши маълум бўлди. Материалларнинг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, қаттиқ моддалар ва материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш учун мўлжалланган стандартли усулдан (ГОСТ 12.1.044–2018) фойдаланилди. Тадқиқот чўғланиш режимида олиб борилди. $m^2 \cdot kg^{-1}$ да тутун ҳосил қилиш коэффицентини (D_m) қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$D_m = \frac{V_n}{lm} \ln \frac{T^0}{T_{min}}$$

бунда V – ўлчов камерасининг сигими, m^3 ; L – тутунланган муҳитда нур ёруғлигининг узунлиги, m ; m – намуна массаси, kg ; T_0 и T_{min} – бошланғич ва сўнгги нур ўтказишининг кўрсаткичлари, %. Олинган намуналарнинг тутун ҳосил қилиш хусусиятлари аниқланди (5–7 жадваллар).

5–жадвал

Қамишдан олинган намунанинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини

Тажриба	Намуна-нинг т/р	Намуна оғирлиги, m (гр).		Ёруғлик ўтказувчанлик, %		Туташнинг давомийлиги, (мин.)	Тутун ҳосил қилиш коэффицентини, D_m , (m^2/kg)
		тажрибадан олдин	тажрибадан кейин	бошланғич T_0	яқуний T_{min}		
Қамиш	1.	3,93	0,93	4,7	2,2	35	202,97
	2.	4,04	0,63	5,0	2,1	35	139,8
	3.	3,78	0,63	5,0	2,2	35	184,66

Синов натижасига кўра ёғоч толали плита (ДВП) қурилиш материал намунасининг тутун ҳосил қилиш даражасининг ўртача кўрсаткичи $D_{\text{ўр}} \approx 163,5 m^2/kg$ га тенг. Туташ қобиляти бўйича мўътадил (Т2) туташ қобилятига эгаллиги маълум бўлди. Материалларнинг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, қаттиқ моддалар ва материалларнинг тутун

ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш учун мўлжалланган стандартли усул (ГОСТ 12.1.044–2018) бўйича синов натижасига кўра ёғоч қипиқли плита қурилиш материал намунасининг тутун ҳосил қилиш даражасининг ўртача кўрсаткичи $D_{\text{ўр1}} \approx 175,7 \text{ м}^2/\text{кг}$ га тенг. Туташ қобиляти бўйича мўътадил туташ қобилятига эгаллиги аниқланди.

6–жадвал

Вўзапоядан олинган намунанинг тутун ҳосил қилиш коэффициенти


Тажриба	Намуна т/р	Намуна оғирлиги, m(гр).		Ёруғлик ўтказувчанлик, %		Туташнинг давоми йлиги (мин.)	Ҳар бир намунанинг тутун ҳосил қилиш коэффициенти $D_m, (\text{м}^2/\text{кг})$
		тажрибадан олдин	тажрибадан кейин	бошланғич T_0	яқуний T_{min}		
Вўзапоя	1.	15,78	5,67	5,0	0,2	35	161,89
	2.	15,33	4,77	5,1	0,5	35	162,72
	3.	14,94	5,14	5,1	0,3	35	166,22

7–жадвал

Қарағайдан олинган намунанинг тутун ҳосил қилиш коэффициенти

Намуна	Тажриба	Намуна оғирлиги, m(гр).		Ёруғлик ўтказувчанлик, %		Туташнинг давоми йлиги, (мин.)	Ҳар бир намунанинг тутун ҳосил қилиш коэффициенти, $D_m, (\text{м}^2/\text{кг})$
		тажрибадан олдин	тажрибадан кейин	бошланғич T_0	яқуний T_{min}		
Қарағай	1.	10,96	5,07	5	1,2	35	47,8
	2.	11,23	5,26	5	1,2	35	49,7
	3.	11,55	5,26	5	1,0	35	43,1

Втказилган тадқиқотнинг синов натижасига кўра қарағай намунасининг тутун ҳосил қилиш даражасининг ўртача кўрсаткичи $D_{\text{ўр1}} \approx 46,8 \text{ м}^2/\text{кг}$ га тенг бўлиб, туташ қобиляти бўйича мўътадил (Т1) гуруҳига мансублиги аниқланди (10–расм).



Таъсир этиш ҳарорати–800 °С. Синов вақти, (0–22 дак)

10-расм. Қарағай асосидаги ёғоч материалларининг тутун ҳосил қилиш коэффициентининг ўртача кўрсаткичлари

Ишлов берилган ва ишлов берилмаган ёғоч қипиқлари асосидаги (ДСП, ДВП, МДФ, ТАРКЕТ) қурилиш материалларини тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, қаттиқ моддалар ва материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш учун мўлжалланган стандартли усулдан (ГОСТ 12.1.044–2018) фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Янги таркибли целлюлоза тутган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи боби ишлаб чиқилган таркибларнинг олов ва иссиқдан ҳимоялаш самарадорлигини баҳолаш, уларнинг ёғоч асосидаги қурилиш материалларининг асосий ёнғин–техник тавсифларига таъсирини тадқиқ қилишга келтириб ўтилган. Ўтказилган тадқиқотлар ишлари натижасида юқори дисперсли модификацияланган кремний (IV) оксиди, волластонит асосидаги самарали кўп функционал таркибларни олиш бўйича техник иқтисодий самарадорлик жиҳатларини аниқланишига эришилди.


Ёғоч қипиқли плиталарни ишлаб чиқариш учун технологик жараёнида дастлаб ёғоч хомашёси 110–190°С ҳароратда 1–1,5 соат мобайнида қуритилиб, майдалаш учун тегирмонга жўнатилади. Майдаланган ёғоч қипиқлари фракцияларга ажратиб олинди. Олинадиган маҳсулот ёғоч қипиқли плита ички ва ташқи қаватдан ташкил топиши учун ташқи ва ички қаватлар алоҳида ташқи қатлам учун 4–5% намликка, ички қатлам учун эса 2–4% гача қуритилди. Ҳар бир қаватлар учун хомашёлари алоҳида қуритгич (сушилка) ларда қуритилиб, навбатдаги технологик жараёнларга тайёрлаб олинди.

Мазкур плиталарни ишлаб чиқариш учун саноат майдалагичларидан фойдаланилди. Улар механик конвеерлар орқали етказилиб тайёрлаб олинган хомашёлар сиғимларда сақланади. Хомашёлар сиғимлардан қуритгичларга юборилди. Сўнгра хомашё қуритилади. Ҳар бир намунадаги ёғоч қипиқлари асосидаги хомашёлари алоҳида қуритгич (сушилка) ларда қуритилади. Белгиланган ўлчамлардаги ёғоч қипиқли плиталарни шакллантириш учун махсус ускуналардан фойдаланилди. Шакллантириш ускуналар, учта қатламдан иборат бўлиб, ички қатлам йирик қилинган ва ташқи томони жуда майда қатламларга ажратиб олинди. Ишлаб чиқарилаётган ёғоч қипиқли плиталарни пресслаш жараёни прессдаги ҳарорат 180°С ташкил этиб, прессдаги босим 2,5–3,5 МПа ни ташкил этди. Мазкур талаб этилган босим иссиқлик орқали амалга оширилди. Қалинлиги 1 мм плиталарни пресслаш давомийлиги 0,3–0,35 дақиқани ташкил этди. Пресслашнинг иккита хил тури мавжуд бўлиб текис ва ҳажмли турларини ташкил этиши эвазига самарали оловбардош ёғоч қипиқли плиталар олинишига эришилди.

Мазкур таркибларнинг олиниш технологияси ўзига бир неча босқичларни қамраб олади. Жарённинг биринчи босқичида кремний (IV) оксиди анъанавий усулда майдаланди ва шундан сўнг майдаланган фракциялар заррачалари ўлчамига қараб, ҳар хил материалларни тайёрлашда фойдаланилди. Тайёр ҳолатга келтириш учун қайта (иккинчи марта) пресслаш жараёнига таёрлашда қипиқлар ҳажми 10–30мм, ўлчамларда тайёрлаб олинди. Қипиқларнинг намлиги 4–6%, ни ташкил этди, назорат остида пресслаш учун 2,5–3,5 МПа босим остида 450–550°С дан бошлаб 90–120°С ҳароратда тугатилади. Совутиш

жараёнида 2750x1830x16мм ўлчамдаги плитани тайёр ҳолатга келтириш учун, 180°C ҳароратда 12–19 дақиқа совутилиб, маҳсулот тайёр ҳолга келтирилди. Тайёр ҳолатга келтирилган ёғоч қипиқли плиталар тегишли ўлчамларидан келиб чиқиб улар махсус гуруҳларга ажратилди.

Юқоридаги таклиф этилаётган янги таркибли оловбардош ёғоч қипиқли плитани ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси орқали бино ва иншоотларда фойдаланиётган энергиятежамкор, экологик тоза хавфсиз замонавий қурилиш материалларини ўрнини босувчи маҳаллий ёғочлар асосида олинадиган қийин ёнувчи оловбардош ёғоч қипиқли плиталарни олиш технологияси такомиллаштирилди. Амалдаги технологик жараён билан таклиф этилаётган янги усулдаги технологик жараёнлар орасидаги самарадорлик жиҳатлари ўрганилиб чиқилди. Сарфланадиган хомашёнинг таннархи асос қилиб олиниб, таклиф этилаётган намуналар иқтисодий жиҳатдан арзон эканлиги ўз исботини топди. Қуйида таклиф этилаётган янги таркибли оловбардош ёғоч қипиқли плитани олиш ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнининг аксонометрик схемаси келтирилган (11-расм).



11-расм. Янги таркибли оловбардош ёғоч қипиқли плитани ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси: 1–хомашё; 2–элак; 3–тозалаш; 4–элаклаш; 5–саралаш; 6–ишқорлаш; 7–қўшимча қурилма; 8–қориш; 9–дозатор; 10–электр печка; 11–пресс; 12–қуритиш.

Бундан ташқари мазкур қийин ёнувчи оловбардош ёғоч қипиқли плиталарни (2750x1830x18 мм) ўлчамлардаги ҳажми 100 м³ бўлган ҳажмда ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик жиҳатлари ўрганиб чиқилишига эришилди. Бунинг учун амалдаги ва таклиф этилаётган маҳсулотлар параметрлари ўзаро солиштирилди.

ХУЛОСА

“Таркибида целлюлоза тутган, маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган курилиш материалларини ёнғиндан хавфлиликни камайтириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Турли хил маҳаллий ёғоч намуналарининг майданланган ҳар хил ўлчамлардаги фракцияларига юқори дисперсли минераллар заррачалар билан ишлов беришнинг оптимал шароитлари аниқланиб ва ультратовушли янги турдаги ишлов беришнинг самарадор усули ишлаб чиқилди. Ҳар хил ўлчамларда майдаланган турли хил ёғоч материалларининг термик хоссаларига юқори дисперсли минераллар, кремний (IV) оксидининг нанозаррачаси, кремний (IV) оксиди ва волластонит минералларининг юқори дисперсли заррачалари таъсирини ўрганиш орқали ёғоч материаллари заррачаларининг термикбардошлилигини оширишга эришилди.

2. Юқори дисперсли маҳаллий минерал хомашёлар билан ишлов берилган турли хил маҳаллий ёғоч материаллари, микроцеллюлоза ва полимер боғловчилар асосида плиткали курилиш материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқилиб ушбу турдаги маҳсулотларга қўйилган давлат стандартлари талабларига мос физик–кимёвий ҳамда физик–механик кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланишига эришилди.

3. Кремний (IV) оксиди ва волластонит минералларининг юқори дисперсли заррачалари билан ишлов бериш натижасида олинган, термик бардошлилиги оширилган, ҳар хил дисперсликдаги маҳаллий ёғоч намуналари асосида плиткали материалларнинг янги таркибларини олиш мумкинлиги ўтказилган тажриба асосида илмий жиҳатдан асосланиши юқори дисперсли волластонит минераллари заррачалари билан модификацияланган плиткали курилиш материалларни дифференциал термик ва термогравиметрик таҳлил ҳамда сканерловчи электрон микроскопик таҳлил усуллари ёрдамида таркиби ва тузилишининг хусусиятлари ўрганилди.

4. Маҳаллий хомашёлар, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди ва волластонит минераллари, микрокристаллик целлюлоза ва маҳаллий ёғоч материаллари асосида янги олинган плиткали курилиш материалларининг очиқ олов таъсирига бардошлилик хусусияти, ёниш жараёнида масса йўқотилиши, кислород индекси, тутун ҳосил қилиш коэффиценти янги олинган плиткали курилиш материалларнинг термик бардошлилиги 10–12 % га ошганлиги ва тутун ҳосил қилиш хусусияти (D2) гуруҳидан (D1) гуруҳига ўтганлиги аниқланди, оловбардош хусусияти қийин алангаланувчи материалларга кириши аниқланди ҳамда кислород индекси 16% дан 28 % гача ошганлиги тажриба синовлар асосида аниқланди.

5. Маҳаллий ёғоч материаллари ва минерал хомашёлар, кремний (IV) оксиди нанозаррачаси, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди ва волластонит минераллари асосида бино ва иншоотларда қоплама материал сифатида фойдаланилишига мўлжалланган янги ишлаб чиқилган ёнғинга хавфсиз ва

термикбардош қурилиш материалларининг янги таркиблари ишлаб чиқилган ҳамда олов ва иссиқдан ҳимояланган маҳаллий ёғочлар асосидаги олинган плиткали қурилиш материалларини янги турдаги намуналарини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияси ва усулларини такомиллаштирилди.

6. Янги ишлаб чиқилган иссиқдан ҳимояловчи оловбардош плиткали материалларни қўллаш орқали қурилиш материалларининг ёнғин хавфлилигини салмоқли даражада камайишига, жумладан, ёнувчан ёғоч асосидаги қипиқли плиталарига юқори дисперсли минерал таркиблар билан ишлов берилиб меъёрида ёнувчан (Ё3) гуруҳидан мўътадил ёнувчан гуруҳи (Ё2) га ўтказилди.

7. Таклиф этилаётган қурилиш материалларини тутун хосил қилиш коэффициентини 13% гача, ёнғин тарқалиш тезлиги ва критик ҳарорат қийматини 11–13 дақиқагача, яъни 0,3 маротаба камайтирилди. Шунингдек, қийин ёнувчи оловбардош ёғоч қипиқли плиталарнинг ёнувчанлик гуруҳи кучли алангаланиш (Ё3) гуруҳидани мўътадил (Ё2) гуруҳига ўтказилгани илмий асосланган.

8. Кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли модификацияланган заррачалари қўлланилганда илмий асосланган ўртача йиллик иқтисодий самарадорлик 1 045 440 000 (бир миллиард қирқ беш миллион тўрт юз қирқ минг) сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ
СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЯКУБОВ КОДИРЖОН ХУСАНБОЕВИЧ

**СНИЖЕНИЕ ПОЖАРНОЙ ОПАСНОСТИ,
ЦЕЛЛЮЛОЗОСОДЕРЖАЩИХ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**05.10.02 – «Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/T1249.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб–странице Научного совета (www.ipb.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Курбанбаев Шухрат Эргашевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нуркулов Файзулла Нурмунинович доктор технических наук, доцент Касимов Турабек Касимович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD.40/30.12.2020.T.129.01. по присуждению ученых степеней при Академии МЧС Республики Узбекистан. Адрес: 100102, г. Ташкент, улица Дустлик, дом 5. Тел. (99871)258-35-33; факс: (99871) 258-35-33, e-mail: info@akademiyafvv.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ____). Адрес: г. Ташкент, улица Дустлик, дом 5. Тел.: (99871) 258-35-33; факс: (99871) 258-35-33. e-mail: info@akademiyafvv.uz.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2022 года)

Б.Т. Ибрагимов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.М. Дусматов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н, доцент

Р.И.Исмаилов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в мире постоянно увеличивается количество таких стихийных бедствий природного и техногенного характера, как пожары и чрезвычайные ситуации¹. По данным Центра пожарной статистики Международного технического комитета по предотвращению и тушению пожаров (CTIF), в мире в среднем происходит 1000 пожаров в час и 17 пожаров в минуту. Если в результате пожаров в час погибают в среднем 10 человек, то в каждые 100 пожаров погибает 1 человек². Поэтому требуется проведение масштабных научно-исследовательских работ с целью поиска научно-технических решений проблем обеспечения пожарной безопасности. С целью повышения пожарной защиты и огнестойкости горючих строительных конструкций, материалов, отделочных и облицовочных материалов большое внимание уделяется получению и исследованию свойств трудновоспламеняющихся огнестойких строительных материалов на основе древесины и целлюлозы посредством использования различных огнезащитных средств и обработки этих материалов огнестойкими добавками.

В мире ведутся исследования, направленные на увеличение производства изделий на основе древесины и целлюлозы с теплостойкими и огнестойкими свойствами, а также на улучшение экологической чистоты, энергосберегаемости, качества и прочности используемых материалов, повышение огнестойкости зданий и сооружений. С этой точки зрения, требуется выбирать антипирены на основе силикатных композиций, применяемых в качестве пропиточных и литейных смесей к используемым огнезащитным материалам, и добиться того, чтобы их горючие свойства, помимо физических, механических, термических и др, в необходимой степени имели малые показатели. В связи с этим особое внимание уделяется правильному выбору и повышению огнестойкости добавок для разработки трудновоспламеняющихся строительных материалов на основе древесины и целлюлозы.

В нашей республике проводятся масштабные научно-исследовательские работы в целях пожарной защиты строительных конструкций и материалов, используемых для возведения зданий и сооружений, использования огнезащитных средств и выполнения вышеуказанных задач. В частности, важное значение имеет получение новых составов и всестороннее изучение их свойств по огневой защите строительных материалов на древесной основе, получаемых на основе местного сырья, и всестороннее, комплексное изучение их пожарно-технических характеристик. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 г № УП-5706 «О внедрении качественно новой системы предупреждения и ликвидации

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>.

² <https://ctif.org/world-fire-statistics>.

чрезвычайных ситуаций и обеспечения пожарной безопасности в Республике Узбекистан», от 10 апреля 2019 г № УП–4276 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности аварийных структур», от 23 мая 2019 г. № УП–4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», от 20 февраля 2019 г УП–4198 «О кардинальном совершенствовании и комплексном развитии промышленности строительных материалов», Постановлении Кабинета Министров от 20 октября 2020 г № 649 «Об утверждении правил пожарной безопасности», и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго– и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В последние годы в Республике Узбекистан и за рубежом рядом ученых при создании целлюлозосодержащих строительных материалов были разработаны основы получения и их технологий этих материалов, научены их структуры и свойства. Исследования по разработке технологий повышения огнестойкости и научных основ древесно- и целлюлозосодержащих строительных материалов проводились такими учеными, как Henri Bailleres (Мексика), Bengt Ostman (Финляндия), Sven Thelandersson (Швеция), Anne E Imamura (Япония), М.И.Сергеев, А.Н.Коротков, И.Н.Пугачева, А.Е.Третьякова, Б.В.Копытовский, С.Г.Веденкин, А.И.Фоломин, С.Н.Таубкин, А.А.Лионович, А.А.Берлин, М.Н.Плунгянская, Ю.М.Иванов и др.

В нашей республике исследования по получению, исследованию структуры и свойств, а также применению на практике огнестойких строительных материалов выполнялись А.Т.Джалиловым, С.С.Нигматовым, М.М.Садыковым, Ф.Х.Султановым, Ф.А.Магрупповым, Н.А.Самиговым, А.А.Саримсаковым, Б.Т.Ибрагимовым, Б.А.Мухамедгалиевым, Ф.Н.Нуркуловым и др.

В результате данных исследований были достигнуты определенные положительные результаты в направлении совершенствования методов пожарной защиты строительных конструкций и материалов на базе древесины, исследований по пожарной защите строительных материалов на основе древесины, получаемой из местного сырья, а также о комплексном изучении их пожарно-технических характеристик, этих материалов.

Связь темы диссертации с планами научно- исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках прикладного проекта БВ–Атех–2018 на тему: «Разработка технологии получения трудновоспламеняющихся теплозащитных составов на основе местного минерального сырья» плана научно–исследовательских работ Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Целью исследования. Является разработка пожаробезопасных строительных материалов на целлюлозной основе с новым составом, изготовленных на базе местного сырья, а также посредством их применения достижение повышения эффективности обеспечения пожарной безопасности зданий и сооружений.

Задачи исследования:

определить оптимальные условия переработки частицами высокодисперсных минералов во фракции различных местных образцов древесины с разным размером частиц и разработать методы их исследования;

повысить термостойкость частиц древесного материала путем изучения влияния высокодисперсных неорганических минералов на тепловые свойства различных древесных материалов, измельченных в различных размерах;

